



MODERN TRENDS OF RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND KAZAKHSTAN

Abdusamat Abdukhalilov

Master's student

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Uzbekistan, Kazakhstan, trend, diplomacy, Central Asia.

Abstract: This article analyzed and discussed modern trends in relations between Uzbekistan and Kazakhstan.

Received: 08.10.22

Accepted: 10.10.22

Published: 12.10.22

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Абдусамат Абдухалилов

Магистрант

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

| | | | | | |
|----------------|----------------|-------------------------|-------------------|------------|----------|
| Калит | сўзлар: | Ўзбекистон, дипломатия, | Аннотация: | Ушбу | мақолада |
| Қозоғистон, | тенденция, | Ўзбекистон | ва | Қозоғистон | |
| Марказий Осиё. | | муносабатларининг | | замонавий | |
| | | тенденциялари | таҳлил | ва | муҳокама |
| | | | | килинди. | |

СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ УЗБЕКИСТАНОМ И КАЗАХСТАНОМ

Абдусамат Абдухалилов

студент магистратуры

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

| | | | |
|------------------------|------------------------------------|-------------------|-----------------|
| Ключевые слова: | Узбекистан, дипломатия, | Аннотация: | В данной статье |
| Казахстан, тренд, | проанализированы и рассмотрены | | |
| Центральная Азия. | современные тенденции в отношениях | | |
| | между Узбекистаном и Казахстаном. | | |

КИРИШ

Марказий Осиё давлатлари мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб минтақавий интеграцияни амалга оширга интилишди ва яхши қўшничилик сиёсатини йўлга қўйиши. 1993 йилда ҳамкорликнинг институционаллашуви юз бериб, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига замин яратилди. Минтақа давлатлари ўртасидаги ўзаро ишонч мустаҳкамланиб, то 2006 йилга қадар мувафақиятли кечди. Бироқ кейинги йилларда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатлардаги муракабликлар ҳамда ташки қучлар таъсири натижасида минтақавий интеграциялашув жараёнига путур етди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон Республикасида 2016 йил кузидан бошлаб ҳокимият тепасига Ш.М.Мирзиёевнинг келиши ўзбекистон ташки сиёсатида Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик масаласи устивор йўналишга айланди. Ўзбекистон ташки сиёсатда прагматик гояларни илгари суриб, яхши қўшничилик муносабатларини йўлга қўйишига интилди.

Ўзбекистон Президент Ш.Мирзиёев 2017 йил 19-сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган илк нутқида шундай фикр билдирганди: “Ўзбекистон бугунги қунда ўзининг ташки сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устивор аҳамият қаратмоқда. Бу – хар томонлама чуқур ўйлаб танланган йўлдир”.

- *Сиёсий соҳада.* Ўзбекистон президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 10 ноябрь куни БМТ шафелигида Самарқанд шаҳрида ўтган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги халқаро конференцияда *Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашуви* учрашувни ўтказиш таклифини илгари сурди. Натижада Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўзиро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳлашга имкон берадиган яна бир платформа шаклланди ва бугунги қунга қадар давлат раҳбарларининг учрашувлари ўтказилди.

Улардан биринчи Маслаҳатлашув учрашув 2018 йил 15 марта Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида илк учрашув бўлиб ўтди. Бундай ташабbusлар Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатларини янги босқичга олиб чиқди. Икки томонлама учрашув доирасида Ўзбекистон Президенти Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида савдо муносабатлари 2 миллиардга етганлигини билдириб, келгуси яқин йилларда 5 миллиардга етказилиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаси ўртасида 1992 йил 23 ноябрда дипломатик алоқалар ўрнатилган. Қозоғистон-Ўзбекистон муносабатлари 1998-йил 31-октабрдаги Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома ва 2013-йил 14-июндаги Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномага мувофиқ ривожланмоқда. Икки томонлама ҳамкорликнинг

шартномавий-хуқуқий асоси давлатлараро ҳамкорликнинг деярли барча соҳаларини қамраб олган 100 дан ортиқ ҳужжатларни ўз ичига олади.

Қозоғистон президенти Қосим-Жўмарт Тўқаев 2019 йил 14-15 апрел кунлари Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди. Тўқаевнинг ташрифи Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг бошланиши билан бир вақтга тўғри келди. 2018 йил Қозоғистонда Ўзбекистон йили деб эълон қилинганига дўстона жавоб тариқасида Ўзбекистон жорий йилни Қозоғистон йили дея номлади. Расмий ташриф бир қатор стратегик масалалар, жумладан умумий чегарада савдо ва иқтисодий ҳамкорлик бўйича халқаро марказ яратиш масалаларини қамраб олди.

Ўзбекистон президенти Ш.Мирзиёев 2021 йил 5-6 декабрь кунлари Қозоғистонга давлат ташрифини амалга оширди. Бу 2021 йилда қайта сайланган Президент Ш.Мирзиёвнинг илк хорижий сафари ҳисобланади. Ташриф давомида сиёсий мулоқот ва савдо-иктисодий ҳамкорликни кенгайтириш, энг аввало, иқтисодиётнинг турли тармоқларида амалий алоқалар ва аниқ кооперация лойиҳаларини илгари суриш, шунингдек, маданий-гуманитар алмашинув дастурларини фаоллаштиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилган. Учрашув яқунларига кўра Ўзбекистон ва Қозоғистон президентлари 22 та ҳужжатга имзо чекди. Ташриф арафасида ўтказилган ишбилармонлик тадбирлари якунида қиймати 6 миллиард долларга яқин бўлган янги инвестиция ва савдо келишувлари имзоланди.

-Иқтисодий соҳада. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик жадал суръатда ривожланиб, ташки савдо, ўзаро инвестициялар, кооперация алоқаларини кенгайтириш, транспорт соҳасидаги ҳамкорликнинг фойдаланилмаётган салоҳияти фаол тарзда амалга оширилмоқда. Ўзбекистон давлат статистика Қўмитасининг маълум қилишича, 2020 йилда икки давлат ўртасидаги товар айирбошлиш ҳажми 3 млрд долларни, 2021 йилнинг 11 ойида эса 3,53 млрд долларни ташкил қилган. Яқин беш йилликда ўзаро савдо ҳажмини 10 миллиард долларга етказилиши кутилмоқда.

Қозоғистон — Ўзбекистоннинг ташки савдо айланмасида Хитой (17,7 фоиз) ва Россиядан (17,4 фоиз) кейин 9,3 фоизлик улуш билан учинчи рақамли йирик савдо ҳамкори ҳисобланади. Ташки савдо айланмасининг пассив балансига қарамай, бу мамлакат стратегик аҳамиятга эга товарлар етказиб берувчиси ва Ўзбекистон маҳсулотлари экспорти учун энг йирик бозорлардан биридир.

Икки давлат ўртасидаги товар айланмаси таркибида асосий ўринни қишлоқ хўжалиги хомашёси маҳсулотлари эгаллайди. Сўнгги йилларда Қозоғистон ва Ўзбекистон бир қатор йирик иқтисодий ва инвестицион лойиҳаларни амалга оширди. Уларнинг аксарияти

инфратузилма лойиҳалари, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги соҳаларига тааллуқли лойиҳалар ҳисобланади. 2020 йил март ойида «СарыаркаАвтоПром» Кўстанай заводида Чевролет автомобилларини йиғиш йўлга қўйилди. Туркистон ва Чимкентда замонавий тўқимачилик корхоналари очилди ва майший техника ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил декабрь ойида Қозоғистонга давлат ташрифи доирасида икки давлат ишбилиармон доиралари ўртасида умумий қиймати 5,9 млрд долларлик шартномалар имзоланган эди. «Навоий» ЭИЗ ҳудудида насос ва электр ускуналарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда Қозоғистонда Чевролет Нехиа автомобилларини кичик тугун усулида саноат йиғилиши бўйича битимлар шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда 2024 йилда қуриб битказилиши режалаштирилган «Туркистон — Чимкент — Тошкент» тезюар темир йўл магистрали қурилиши давом этмоқда.

Бундан ташқари, Қозоғистон ва Ўзбекистон 2025 йилдан «Қизилурда — Учқудук» автомобил ва темир йўли қурилишини бошлаш тўғрисида келишиб олган. Қўшма чоратадбирлар режаси имзоланган, техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш учун иқтисодий таҳлил ўтказиш режалаштирилган.

Инвестицион ҳамкорлик ҳам Қозоғистон ва Ўзбекистон муносабатларининг ажralмас қисмига айланиб бормоқда. 2019-йил бошидан ҳозирги кунгacha Қозоғистон капитали иштирокидаги корхоналар сони 2,1 баробарга ўсди – 510 тадан 1056 тага, хусусан, 2022 йил бошидан буён 166 та корхона Қозог‘истон капитали иштирокида ташкил этилган. 2019-йилдан буён “Халқ банки”нинг ўбба корхонаси – “Тенге Банк” Тошкент шаҳрида фаолият юритмоқда.

-Маданий соҳада. Глобаллашув шароитида қўшни давлатлар ўртасидаги тарихий-маданий алоқаларни сақлашнинг аҳамияти ортиб бормоқда, бу эса фуқаролар ўртасида мамлакатлар ҳақидаги маълумотларнинг кенгайишига хизмат қилмоқда. Қозоғистонда 2018 йил Ўзбекистон йили, 2019 йил эса Ўзбекистонда Қозоғистон йили деб эълон қилинди. О‘збекистон Давлат статистика қо‘митасининг статистик ма’лумотларига ко‘ра, ҳозирда мамлакатда 821,2 минг қозоқ миллати бо‘либ, улар сони бо‘йича учинчи этник гурӯхни ташкил қиласди. Қозог‘истонда эса, Миллий статистика бюросининг йиллик бюллетенига ко‘ра, 620 минг о‘збек яшайди, улар асосан Туркистон ва Жамбиљ вилоятларида яшайди қозоқлар ва руслардан кейин учинчи о‘ринда туради.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда. Ижодий жамоалар, маданият ва санъат намояндаларининг ўзаро саёҳатлари мунтазам амалга оширилмоқда. Қозоғистон собиқ Президенти Н.А.Назарбоевнинг 2013-йил июн ойида

Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида қозоқ шоири Абай Кунанбоев ҳайкали очилиш маросими бўлиб ўтди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистон ва Қозогистон ўртасидаги ҳамкорлик Марказий Осиё минтақавий интеграциясининг таянчи саналади:

- биринидан, Ўзбекистон ва Қозогистон Марказий Осиёда энг катта иқтисодиётга эга;
- иккинчидан, икки давлат ўртасидаги савдо хажмини келгуси беш йиллиқда 10 миллардга долларга етказиш белгиланган. Бу минтақанинг бошқа давtlари билан ҳамкорликка қараганда юори кўрсаткич ҳисобланади;
- учинчидан, Ўзбекистон ва Қозогистон минтақавий ва глобал муаммоларда яқин позицияга эга бўлиб, геосиёсий суверен давлат сифатида равишда муҳим ташабbusларни илгари суради.
- тўртичидан, икки давлат ҳам келгусида ўзаро сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликдан чуқур манфаатдорлигини намоён қилишмоқда ва муносабатларни мустаҳкамлашга интилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Умарова Н. Марказий Осиё интеграцияси қай томон йўналмоқда? // <https://www.uzanalytics.com/siyosat/9499/> - Iyul 7, 2021
2. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблейсининг 72-сессиясида нутқ сўзлади // <https://uga.uz/posts/zbekiston-presidenti-shavkat-mirziyev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017-20.09.2017>
3. Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви // <https://www.uzavtoyl.uz/cy/post/markaziy-osiyo-davlat-rahbarlarining-birinchi-maslahat-uchrashuvi.html> - 16 Март, 2018
4. Сотрудничество Республики Казахстан с Республикой Узбекистан // Официальный сайт МИД Казахстана - <https://www.gov.kz/memleket/entities/mfa/press/article/details/545?-directionId=93&lang=ru> - 09 октября 2019
5. Алтинбаев К. Қозогистон ва Ўзбекистон минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик битимини имзолади // https://central.asia-news.com/uz-Cyril/articles/cnmi_ca/features/2019/04/18/feature-01 - 2019-04-18
6. Ўзбекистон – Қозогистон: иттифоқчилик муносабатлари абадий дўстлик ва яхши кўшничилик ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қиласи // [https://uga.uz/uz/posts/ozbekiston-qozogiston-ittifoqchilik-munosabatlari-abadiy-...](https://uga.uz/uz/posts/ozbekiston-qozogiston-ittifoqchilik-munosabatlari-abadiy-dostlik-va-yaxshi-qoshnichilik-rishtalarining-yanada-mustahkamlanishiga-xizmat-qiladi_327043?q=%2Fposts%2Fozbekiston-qozogiston-ittifoqchilik-munosabatlari-abadiy-)

[dostlik-va-yaxshi-qoshnichilik-rishtalarining-yanada-mustahkamlanishiga-xizmat-qiladi_327043](#)

- 06.12.2021

7. Қозогистондаги вазият Ўзбекистон иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатиши мумкин? // <https://www.gazeta.uz/uz/2022/01/08/uzb-kaz/> - 8 январ 2022

8. Нуриддинов У. Двустороннее сотрудничество Узбекистана и Казахстана: сохранится ли динамика? // <https://cabar.asia/ru/dvustoronnee-sotrudnichestvo-uzbekistana-i-kazahstana-sohranitsya-li-dinamika> - 11.01.2022